

Наргиза ИСМАТУЛЛАЕВА

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛАКУНАЛАР

非古的
常文在的
非紙抄

17A—

4
H 81


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ

Наргиза ИСМАТУЛЛАЕВА

**ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
ЛАКУНАЛАР**

МОНОГРАФИЯ



“Nodirabegim” нашриёти

Тошкент – 2021

4
U-21

КБК: 81.2-7

И 81

УЎК: 811.581'25

ISBN 978-9943-7317-2-1

Исматуллаева, Наргиза Расулжановна
Хитой ва ўзбек тилларида лақуналар [Матн]: монография /
Н.Р. Исматуллаева. – Тошкент: Nodirabegim, 2021. – 144 б.

Тошкент давлат шарқшунослик университети “Таржима-шунослик ва халқаро журналистика” кафедрасида амалга оширилган ушбу тадқиқот хитой ва ўзбек тилларидаги лақуналар, уларнинг таснифи, лақуна ва реалия тушунчалари орасидаги тафовутлар, лақуналарни таржимада тўлдириш усулларига доир масалаларни илмий ўрганишга бағишланган бўлиб, ундан бўлажак таржимонлар, шунингдек, ушбу соҳада тадқиқотлар олиб бораётган ёш мутахассислар фойдаланиши мумкин.

Масъул муҳаррир:

Шоира Усмонова,

филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Хайрулла Ҳамидов,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Эргаш Очилов,

филология фанлари номзоди, доцент.

Монография Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг 2021 йил 7 октябрдаги 2-сонли мажлисида нашрга тавсия этилган.

© Исматуллаева Н.Р.

© “Nodirabegim” нашриёти, 2021

СЎЗБОШИ

Замонавий лингвистикада бугунги кунда кўплаб масалаларга ечим топилмоқда. Шу жиҳатдан лингвокультурология тил ҳақидаги фаннинг энг илғор йўналиши сифатида миллий маданиятнинг изларини, таъсирларини тилдан ахтариб топмоқда. Миллий маданиятдаги оригиналлик, дунёни идрок этишдаги ўзига хослик лакунар бирликларда намоён бўлади. Ушбу бирликлар бир тилдаги тушунча учун иккинчи тилда учрамайдиган ҳодисадир. Лакунология соҳасида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, алоҳида тиллар мисолида олиб қараладиган бўлса, ҳали қилинажак ишлар кўп.

Миллий онг ва тафаккур, анъана ва маданиятларга чамбарчас боғланган лакунарлик ҳодисаси тил бирликлари воситасида адабиётларда мухрланади ҳамда асосан таржима жараёнида юзага чиқади. Шундай экан, мазкур ҳодисани филология ва таржимашунослик, қолаверса, маданиятшунослик ҳамда этнография соҳалари кесишувида ёритиладиган ҳодиса сифатида эътироф этиш мумкин.

Н.Исматуллаеванинг “Хитой ва ўзбек тилларида лакуналар” деб номланган монографияси тил ва маданият муносабатида оид масалаларни лакуналар мисолида очиб берганлиги билан аҳамиятлидир. Лакуналар нафақат маданиятлараро мулоқотда, балки таржима жараёни ва чет тилларини ўрганишда ҳам бир қатор мураккабликларни келтириб чиқаради. Шунга кўра, лакунарлик ҳодисасини қиёсий аспектда тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Лакунар бирликлар миллий маданиятнинг ўзига хос белгиси, менталитет кўрсаткичи бўлиш билан бирга маданиятлараро таъсирлашув шароитида ўзга кўринишга кира оладиган бирликлар саналади. Лакунарлик ҳодисасини тадқиқ этиш лакунология фани тараққиётига, тиллар ва маданиятлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиб бериш, маданиятлараро мулоқотдаги тўсиқларни енгиш ва хорижий тилларни ўргатиш ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўзининг узоқ тарихий илдизларига эга. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳар жабҳада жадал ривожланмоқда. Шу боисдан, Ўзбекистонда хитойшунос мутахассисларни тайёрлашга эътибор кун сайин ортмоқда.

Ушбу монографияда келтирилган хитой ва ўзбек тилларидаги лакунар бўшлиқни тўлдиришга хизмат қиладиган таҳлиллар келажакда ўзбек-хитой ёки хитой-ўзбек тилларидан қилинадиган таржима жараёнларини энгиллаштиради. Чунки ўзбек таржимони хитой лингвомаданиятини яхши билмаса, хитойлик таржимон эса ўзбек лингвомаданиятидан беҳабар бўлса, лакунарлик пайдо бўладиган соҳаларни англаб етмаса, таржима (у бадий бўладими, илмий бўладими, бундан қатъи назар) адекватлигини таъминлай олмайди. Ушбу тадқиқот натижаларидан таржимон мутахассислар, тилшунослар, илмий тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

*Филология фанлари доктори,
профессор Шоира УСМАНОВА*

КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб лакунарлик ҳодисасига эътиборнинг кучайиши тилшуносликда янги соҳалар, хусусан, лакунологиянинг жадал ривожланишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги йилларда лакуна ва лакунарлик ҳодисаси лингвомаданиятшунослик, психолингвистика, когнитив тилшунослик, маданиятлараро мулоқот ва амалий таржимачилик соҳаларининг предметиға айланди.

Дунё тилшунослигида икки тилни қиёслаш орқали тил эгаларининг менталитети, миллий-маданий ўзига хосликларни ўрганиш лингвомаданий тадқиқотларнинг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Лакуналарни бартараф этиш масаласини илмий ўрганиш эса мазкур тилларнинг лингвистик имкониятларини белгилаб беради. Шу маънода лакунарлик ҳодисаси тилшунос ва таржимашунослар томонидан чоғиштирама ҳамда лингвомаданий аспектларда когнитив хариталарда бўшлиқларнинг юзага келиши, уларнинг мулоқот жараёнида тўлдирилиши ва муқобилсиз лексика таржимаси усуллари очиб бериш масалалари доирасида тадқиқ қилинмоқда. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида лакунарлик муаммосини оламнинг лисоний манзараси масалалари билан боғлаган ҳолда тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда дунё мамлакатлари билан интеграциялашуви жараёнида кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг миллий-маданий хусусиятлари, умумлисоний белгилари, маданиятлараро мулоқотда қўлланиладиган вербал ва новербал воситаларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш хорижий тилларни ўрганишнинг муҳим ажралмас қисмиға айланмоқда. “Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан кўплаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда. Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир

хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди”¹. Хитой ва ўзбек лингвомаданиятида намоён бўлаётган лакунарлик ҳодисаси маданиятлараро мулоқот, таржимачилик ва чет тилларини ўрганишда ҳам бир қатор мураккабликларни юзага келтираётгани ҳар икки тилни чоғиштириш ва лакунарликни аниқлаш асосида тадқиқ этишдек долзарб вазифаларни қўймоқда.

Лакунарлик ҳодисаси тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, маданиятлараро мулоқот ва хорижий тилларни ўқитиш нуқтаи назаридан Ж.П.Вине, Ж.Дарбелне, К.Л.Хэйл, Л.Бентивогли, Э.Пианта, Р.Санкаравелаяутан, Мэхди Ф.Ал-Газзолий, А.А.Аваделкарим, Т.Анохина, Ю.С.Степанов, Г.В.Бикова, Е.А.Эйнуллаева, О.В.Суханова, Тан Дзайси (譚載喜), Ванг Бингцин (王秉钦), Джоу Юйджунг (周玉忠), Чэн Сирунг (陈喜荣), Го Айсян (郭爱先), Дай Ли (戴莉) каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўрганилган².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

² Vinay J.P., Darbelnet J. Stylistique comparee du francais et de l'anglais. – Paris, 1958; Hale K. Gaps in grammar and culture. *Linguistics and Anthropology*, 1975; Bentivogli L., Pianta E. Looking for lexical gaps. *Proceedings of the Ninth EURALEX International Congress*. – Berlin: Stuttgart, 2014; Sankarvelayuthan R. Lexical gaps in the vocabulary structure of a language. 2019. <https://www.researchgate.net/publication/330141511>; Mehdi F. al-Ghazali. Lexical gaps in Arabic to English Translation // *Al-Mustansiriya Journal of Arts*. ISSN: 10860258. 2010; Awadelkarim A.A. The role of Lexical gaps and Neologisms in Language Learning: A Consciousness-raising Perspective // *Journal of Humanity*. Vol. 17. No.4. (2016); Anokhina T. The linguistic lacunicon: cognitive mapping in schemes and terms // *Journal of Education Culture and Society* No.1.2013; Anokhina T. Lacuna in terms of scholars: the brief overview. *Филологічні трактати*, Том 7.– № 1. – 2015; Степанов Ю.С. Французская стилистика (в сравнении с русской). – М.: Едиториал УРСС, 2003; Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003; Эйнуллаева Е.А. Лакуны в структуре языковой личности и их заполнение в межкультурной коммуникации (на примере английского и русского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2003; Суханова О.В. Лакунарность глагольной лексики: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Воронеж, 2012; 譚載喜. 翻译中的语义对比试析. *中国翻译* (1), 1982; 王秉钦. *文化翻译学*. 天津: 南开大学出版社, 1995; 周玉忠. 英汉对译的不可译现象. *外语研究*, 1991; 陈喜荣. 从功能语法语境理论看文化负载词的翻译. *四川外语学院学报*, 1998; 郭爱先. 词汇空缺及其可译性. *解放军外语学报*, 1998, 21 (5); 戴莉. 跨文化交际中英汉词汇的偶合和空缺现象. *牡丹江大学学报*, 2008, 17 (2).

Е.А.Плеухова, Ю.Свиликайтэ, М.Д.Бекасов, Цин Дзяндунг (秦建栋), Дэнг Янлинг (邓艳玲), Чэн Суджэн (陈素珍) сингари олимлар лакунар бирлик ва лакуна тушунчаларини таржима-шунослик доирасида ўрганиб, уларни таржима жараёнида бар-тароф этиш ва тўлдириш усулларини ишлаб чиққанлар³. Ўзбек тилшунослиги ва таржимашунослигида лакунарлик ҳодисаси Ш.Р.Усманованинг қатор ишларида тадқиқ этилган⁴. Лекин хитой ва ўзбек тилларида лакунарлик ҳодисаси чоғиштирма планда махсус ўрганилмаган.

Лакунарлик ва уни таржимада тўлдириш усуллари, ушбу ҳодисанинг реалаялар билан боғлиқлиги масаласи қиёсий тил-шунослик, таржимашунослик, лингвомаданиятшунослик ва этнолингвистиканинг тараққий этиши, уни илмий-назарий тавсиялар билан бойитишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

³Плеухова Е.А. Лексическая лакунарность и её отражение в переводе (на материале русского и испанского языков): Дис. ... канд. филол. наук. – М.: РГБ, 2005; Cvilikaite Ju. Lexical gaps: resolution by functionality complete units of translation. Darbaiirdienos //Deedsand Days 2006, nr. 45 [22]; Бекасов М.Д. Переводческий аспект лакунарности (на материале английского и русского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2012; 秦建栋. 英汉词汇空缺现象刍议. 苏州铁道师院学报, 1999, 16 (2); 邓艳玲. 语义空缺视角下的商务英语翻译研究. 济南职业学院学报, 2017, 第 4 期; 陈素珍. 浅议翻译中的文化空缺于词义冲突. 甘肃科技纵横, 2009 (第 38 卷) 第 3 期.

⁴Usmanova Sh. Lingvokulturologiya (darslik). – Toshkent: TDO‘TAU, 2019; Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari (darslik). – Toshkent: ToshDShI, 2017; Маданиятлараро мулоқотда лакуналарнинг ўрни / Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. V. – Тошкент: “Akademnashr”, 2013.

Ї БОБ. ЛАКУНАЛАР ЛИНГВИСТИК ТАДЏИҚИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Тилшуносликда лакунарлик ҳодисасининг ўрганилиши

Тилшуносликда лакунарлик ҳодисасини бевосита ўрганиш ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадал ривожланди. *Лакуна* термини илк бор канадалик тилшунослар Ж.П.Вине ва Ж.Дарбелнелар томонидан илмий муомалага киритилди. Улар ушбу ҳодисани “Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лакуна ҳодисаси юзага келади” деб изоҳлашган⁵.

Инглиз тилшунослигида *лакуна* сўзи *lexical gap*, *lexical hole*, *lexical vacancy*⁶ терминлари билан ифодаланади. Улар орасида *lexical gap* терминининг кўпроқ қўлланилиши кузатилади. Мазкур бирикма таркибидаги *gap* сўзи “бўшлиқ”, “бўш жой” деган маъноларни англатади. У турли аниқловчиларни бириктириб, лакуналарнинг бошқа турларини ҳам юзага чиқаради. Масалан, *semantic gap*, *cultural gap*. Демак, *gap* сўзи *лакуна* тушунчасига синоним сифатида келади. *Gap* сўзининг ўз аниқловчиси билан бериладиган сўз бирикмаларини эса, лакуна турларига (грамматик лакуна, маданий лакуна ва ҳ.к.) мувофиқ келади, дейиш мумкин.

Италян тилшунослари Л.Бентивогли ва Э.Пианталар лакуналар борасида қуйидаги фикрларни келтирадилар: “Лексик лакунарлик бир тилда бирор концепт лексик бирлик билан ифодаланса-ю, иккинчи тилда айнан шу концепт эркин сўз комбинациялари билан берилганида юзага келади”⁷. Улар лексик лакуналарни аниқлаш учун, авваламбор, идиома (*idiom*), чегараланган сўз бирикмаси (*restricted collocation*), сўзларнинг эркин комбинацияси (*free combination*) тушунчаларини бир-бири-

⁵ Usmanova Sh. *Lingvokulturologiya (darslik)*. – Toshkent: TDO‘TAU, 2019. – B. 129.

⁶ Sankaravelayuthan R. *Lexical gaps in the vocabulary structure of a language*. 2019. <https://www.researchgate.net/publication/330141511>, Bentivogli L., Pianta E. *Looking for lexical gaps*. Proceedings of the Ninth EURALEX International Congress. – Berlin: Stuttgart, 2014; Awadelkarim A.A. *The role of Lexical gaps and Neologisms in Language Learning: A Consciousness-raising Perspective*. *Journal of Humanity*. Vol. 17. No. 4, December (2016).

⁷ Bentivogli L., Pianta E. *Looking for lexical gaps*. Proceedings of the Ninth EURALEX International Congress. – Berlin: Stuttgart, 2014. – P. 10.

дан фарклар олиш зарурлигини таъкидлаб, А.П.Ковининг ишларидаги изоҳларни келтиришади. Идиома ва чегараланган сўз бирикмаларини таркибий лексик бирликлар қаторига киритиб, сўзларнинг эркин комбинацияларини лексик лакуналар деган хулосага келадилар⁸. Ўзбек тилида идиомага – *сўз-идиома*, чегараланган сўз бирикмасига – *сўз бирикмаси идиомаси*, терминлари⁹ мувофиқ келади, сўзларнинг эркин комбинациясини эса *эркин сўз бирикмаси* дейиш мумкин.

Тамил ва инглиз тилларини чоғиштириб ўрганган ҳинд тилшуноси Р.Санкаравелаяутаннинг таъбирича, лексик лакуна муайян бир тушунчанинг лексикалаштирилган шакли мавжуд эмаслигини ифодалайди. Олим лакуналарнинг турли тилларда қуйидаги уч ҳолатда воқеланишини кўрсатади:

1) аслият тилидаги бирор-бир сўз таржима тилида тўғридан-тўғри ўз муқобилини топмаганида;

2) аслият тилидаги бирор сўз таржима тилидаги сўз билан ўзаро фарқланмаган ҳолда, яъни таржима тилида мавжуд сўз ибора билан, ибора эса сўз бирикмаси билан берилганида;

3) концепт лексик бирликлар, яъни сўз, қўшма сўз, сўз шаклидаги ибора ва сўз бирикмаси шаклидаги ибора билан кодланмаган ҳолатларда¹⁰.

Демак, аксарият тадқиқотларда лакунарликни тилда лексемалаштирилмаган сўзга иккинчи тилда сўз бирикмасининг мувофиқ келиши деб тушунтирилади. Бизнингча, ҳар доим ҳам бирор тилда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ҳар қандай тушунчани сўз бирикмаси орқали бериб бўлмайди, чунончи, лакунарликни юзага келтирувчи тушунчалар турли воситалар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Бу борада, мазкур монографиянинг 3-бобида батафсил сўз юритилган.

Лакуна термини канадалик тилшунослар томонидан илмий муомалага киритилган бўлса-да, у рус тилшунослиги ва таржимашунослигидан мустақкам ўрин олди. Натижада рус тил-

⁸ Bentivogli L., Pianta E. Looking for lexical gaps. Proceedings of the Ninth EURALEX International Congress. – Berlin: Stuttgart, 2014. – Б. 10.

⁹ Жўраева Б.М. Баркарор бирликлар тизимида мақолнинг ўрни// Сўз санъати. 2019, 1 (3). – Б. 21.

¹⁰ Sankaravelayuthan R. Lexical gaps in the vocabulary structure of a language. 2019. <https://www.researchgate.net/publication/330141511>

шунослигида махсус “лакунология” соҳаси вужудга келди. Шу билан бирга, эквивалентсиз лексикага мансуб атама, сўзлар (реалия, эквивалентсиз бирлик ва ҳ.к.)дан ташқари яна лакунага оид бир қанча лингвистик категориялар, атамалар ва тушунчалар пайдо бўлди. Жумладан, лакунология, лакунарлик феномени (ҳодисаси), лакуна, лакунар бирлик, лакуна воқеланувчи тил фони каби тушунчалар борасида умумлаштирувчи, изоҳли ва таҳлилий шаклдаги илмий ишлар сони анча кўпайди.

Лакунология соҳасида самарали ишлар олиб борган Г.В.Бикова мазкур тушунчага куйидагича таъриф беради: “Лакуна – лексема шаклида моддий мужассамланмаган, бироқ концептнинг коммуникатив талаби билан синтактик даражада объектив воқеланиш хусусиятига эга виртуал лексик моҳият, семемадир”¹¹. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда, лакунанинг асосий белгилари сифатида “моддий мужассамланмаган”, “синтактик даражада объектив воқеланган”, “виртуал лексик моҳият” каби хусусиятларни кўрсатиш мумкин. Лакуналарни аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалаларини ўрганишда, асосан, мазкур хусусиятлар кузатилди.

Шунингдек, Г.В.Бикова ва О.Б.Пилаевалар ҳозирги кунда лексиканинг яширин соҳаси (лакуналар мажмуи) етарлича ўрганилмаганлиги ҳамда дунё тилшунослигида мазкур ҳодиса борасида ягона қарашлар мавжуд эмаслигини таъкидлайдилар¹².

В.И.Жельвиснинг фикрича, “... лакуналар – баъзи тиллар ва маданиятларда “алоҳидалик” сифатида намоён бўлса, бошқаларида эса уларга ишора берилмайди, яъни улар умумий мустаҳкамланган ифодасини топмайди”¹³.

В.Л.Муравьёв *лакуна* тушунчаси ҳақида куйидагиларни ёзади: “...биз лакуна деганда, бир тилнинг лисоний меъёрларида мустаҳкамланмаган ва етказиб бериш учун шу тилда

¹¹ Бикова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003. – С. 51.

¹² Бикова Г.В., Пылаева О.Б. Словарь «несуществующих слов» фантастика или реальность? //Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов/ - Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 21.

¹³ Ягунова М.М. Проблема лингвистической лакунарности: опыт выделения и описания межъязыковых лакун. – М., 2016.

https://publikacia.net/archive/uploads/pages/2016_1_1/49.pdf

нутқ даражасида шакллантириладиган катта-кичик перифразалар – эркин сўз бирикмаларини ифодаловчи чет тилидаги сўзлар (тургун сўз бирикмалари)ни тушунамиз”¹⁴. Дарҳақиқат, аксарият халқларнинг тафаккурида “уйда овунчоқ бўлиши учун боқиладиган жонзот” тушунчасини ифодалаш учун ўзбек тилида махсус сўз мавжуд эмас. Қайд этилган тушунча инглиз тилида *pet*, хитой тилида эса 宠物 *chǒngwù* сўзи воситасида ифодаланади. Хитой тилида мавжуд бўлган 宠物 *chǒngwù* сўзининг ўзбек тилидаги ифода шакли топилмайди, лекин ўзбек нутқида мана шу тушунчани берувчи турли воситалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, “Уйда қандай жонивор боқасиз?”, “Унинг севимли уй ҳайвони....” шаклида юқоридаги концептуал моҳиятни бериш имкони мавжуд.

Л.К.Байрамованинг таърифича, *тиллараро лакунар бирлик* бу бошқа тилларда бўшлиқ, оралиқ жойга эга бўлган, яъни лакунар бирликнинг ноль коррелятига эга тушунчадир. Шу тариқа, лакунар бирлик бир тилга хос бўлиб (шартли равишда А тил), лакуна эса – бошқа тил (шартли равишда Б тил)га хосдир. Лакунар бирлик ва лакуналар *лакунарлик ҳодисасининг таркибий категориясидир*. Демак, лакунарлик – бу (А тилдаги) лакунар бирликлар ва (Б тилдаги) лакуналардан таркиб топган категориядир¹⁵.

Лакунар бирлик ва *лакуна* тушунчалари ўртасига чегара қўйиш таҳлилда чалкашликларга йўл қўймасликка имкон беради.

И.А.Стернин, З.Д.Попова, М.А.Стерниналар ўз ишларида *лакунар бирлик* бирикмасини *эквиваленти бўлмаган бирлик* ифодаси билан берадилар. “Эквиваленти бўлмаган бирлик – бир тилда мавжуд бўлган, бироқ иккинчи тилда учрамайдиган бирликдир. Лакуна – бу бир тилда мавжуд бўлмаган бирликнинг бошқа бир тилда мавжуд бўлишидир. Эквиваленти бўлмаган бирлик ва лакуналар доим жуфтликда намоён бўлади. Агар бир тилда лакуна мавжуд бўлса, чоғиштирилаётган тилда

¹⁴ Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). – Владимир, 1975. – С. 6.

¹⁵ Байрамова Л.К. Лингвистические лакунарные единицы и лакуны. /Вестник Челябинского государственного университета/. 2011, 25 (240). – С. 22.

эквивалентсиз бирлик мавжуд бўлади ёки аксинча. Масалан, хитой тилида 零食 *lǐngshí* (сўзма-сўз “ноль емак” деб таржима қилиниб, қоринни тўйдириш мақсадида эмас, балки эрмак учун истеъмол қилинадиган маҳсулотлар. Масалан, писта, ёнғоқ, қарсилдоқ картошка ва б.) деган сўз бўлиб, рус тили учун бу лакуна, хитой тили учун рус тили фонидаги эквивалентсиз бирлик ҳисобланади”¹⁶.

И.А.Стернин, З.Д.Попова, М.А.Стернинанинг хулосаларидан келиб чиқиб, лакуналарни ифодалашда шу лакуна қайси тил фонида воқеланаётганига диққат қаратиш керак¹⁷. Масалан, хитойча-ўзбекча лакуна – ўзбек тили фонида воқеланувчи хитой тилидаги лакунадир: 遭受破坏的状况 *zāoshòu pòhuài de zhuàngkuàng* – абзорлик. Ўзбекча-хитойча лакуна эса, аксинча, хитой тили фонида намоён бўлувчи ўзбекча лакуна ҳисобланади: *иш билан машғул бўлиб, тунни бедор ўтказмоқ* – 熬夜 *áoyè*.

Хитой тилшунослигида лакунарлик ҳодисаси Дэнг Янлинг (邓艳玲 *Dèng Yànlíng*)¹⁸, Тан Дзайси (谭载喜 *Tán Zàixǐ*)¹⁹, Ванг Бингцин (王秉钦 *Wáng Bǐngqīn*)²⁰, Чэн Сирунг (陈喜荣 *Chén Xǐróng*)²¹, Го Айсян (郭爱先 *Guō Àixiān*)²² сингари олимлар томонидан ўрганилган. Хитой тилида эквиваленти йўқ сўзлар, лакуналарни ифодалаш учун 词汇空缺 *cíhuì kòngquē* (“лексик кемтиклик”), 词汇空白 *cíhuì kòngbái* (“лексик бўшлик”), 词汇空位 *cíhuì kòngwèi* (“лексик очиқ жой”), 词汇矛盾 *cíhuì máodùn* (“лексик зиддият”) каби терминлар қўлланилади. Хитой тилшунослари томонидан лакуна борасида амалга оширилган тадқиқотларда 词汇空缺 *cíhuì kòngquē* (“лексик кемтиклик”) ва 词汇空白 *cíhuì kòngbái* (“лексик бўшлик”) тушунчалари остида,

¹⁶ Стернин И.А., Попова З.Д., Стернина М.А. Лакуна и концепты. //Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов/ – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 206.

¹⁷ Ўша манба. – С. 212.

¹⁸ 邓艳玲. 语义空缺视角下的商务英语翻译研究. 济南职业学院学报, 2017, 第4期.

¹⁹ 谭载喜. 翻译中的语义对比试析. 中国翻译 (1), 1982.

²⁰ 王秉钦. 文化翻译学. 天津: 南开大学出版社, 1995.

²¹ 陈喜荣. 从功能语法语境理论看文化负载词的翻译. 四川外语学院学报, 1998.

²² 郭爱先. 词汇空缺及其可译性. 解放军外语学报, 1998, 21 (5).

асосан, маданий лакуналар ишланган бўлиб, терминлар орасида аниқ чегаралар кўйилмаган. Маданий лакуналар, ўз навбатида, хитой тилида 文化词汇空缺 *wénhuà cíhuì kōngquē* (маданий лакуна), 文化词 *wénhuàcí* (маданий лексика, культурема), 文化负载词 *wénhuà fuzàicí* (маданий юкка эга сўз), 文化特色词 *wénhuà tèsècí* (маданий хос сўз), 文化局限词 *wénhuà júxiàncí* (маданий чегараланган сўз) деб юритилади.

Ху Вэнджунг (胡文仲 *Hú Wénzhòng*) лакунани қуйидагича таърифлайди: “Маданият ва тилдаги тафовутлар сабабли, бир тилда мавжуд сўз учун бошқа тилда эквивалент ёки муқобил сўз бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳодисани лексик бўшлиқ деб атаймиз”²³.

Олима Чэн Сирунг (陈喜荣 *Chén Xǐróng*) эса лексик лакуналарни ўзига хос маданий бўёққа эга ва ифода шаклини келтириб чиқарган номиллий маданият бўшлиғидир²⁴, деб ҳисоблайди.

Го Айсян (郭爱先 *Guō Àixiān*) Чэн Сирунгнинг фикрларини ривожлантириб, шундай ёзади: “Лексик лакунарлик турли миллатлар ўртасидаги маданий тафовутлар сабабли бир тилда махсус предмет-ҳодиса ёки тушунчани ифодаловчи сўз ёки унинг маъноси бошқа бир тилда тенг бўлган вариантини топа олмайди, натижада номиллий маданият бўшлиғи юзага келади”²⁵.

Джанг Дэсин (张德鑫 *Zhāng Déxīn*) “Хитой ва инглиз тилларида маданий жиҳатдан номуқобил сўзлар” номли мақола-сида турли маданиятларда тафовутларнинг ўхшаш томонларга нисбатан кўплиги, илмий терминологиянинг кам учраши, шунингдек, хитой ва инглиз тилларидаги лексик маъноларнинг ноэквивалентлик, номуқобиллик жиҳатларини қайд этади. Маданий чегараланган сўзлар, сўзларнинг кўчма маъноси, метафорик маъноси каби семантик номуқобиллик ҳодисаси²⁶ни таҳлил қилади.

²³ 邓艳玲. 语义空缺视角下的商务英语翻译研究. 济南职业学院学报, 4, 97-99. 第 92 页.

²⁴ 陈喜荣. 从功能语法语境理论看文化负载词的翻译. 四川外语学院学报, 1998.

²⁵ 郭爱先. 词汇空缺及其可译性. 解放军外语学报, 1998, 21 (5)

²⁶ 张德鑫. 汉英词汇文化上的不对应对外. (崔永华主编. 词汇文字研究与对外汉语教学. 北京: 北京语言文化大学出版社, 1998.)

Тадқиқотчи олим Дай Ли (戴莉 *Dài Lì*)нинг “Лингвомаданий мулоқотда инглиз ва хитой тилларидаги лексиканинг алоқадорлиги ва лакунарлиги ҳодисаси”²⁷ ҳамда Жанг Нинг (张宁 *Zhāng Níng*)нинг “Лингвомаданий мулоқотда лакунарлик ҳодисаси”²⁸ мақолаларида лакунарлик ҳодисасининг лингвомаданий жиҳатлари ўрганилган.

Юқорида қайд этилган хитойлик тилшуносларнинг ишларида лакунарлик ҳодисаси лингвомаданият соҳасининг тадқиқот объекти сифатида қабул қилинган, хусусан, миллий хос сўзларнинг лакунар бирликлар сифатида ўрганилганлиги аён бўлади. Бу ўринда хитойлик олимларнинг фикрларига қўшила олмаймиз. Бинобарин, лакуна ва миллий хос сўзлар биридан фарқли тушунчалар ҳисобланади ва уларни ўрганишда турли методлардан фойдаланилади.

Рус тилшунослигига бевосита мурожаат қилган хитойлик олим Цин Дзяндунг (秦建栋 *Qín Jiàndòng*)нинг ишида эса лексик бўшлиқ 空缺 *kòngquē* сўзи билан, лакуна тушунчаси эса рус олими Ю.А.Сорокиндан иқтибос келтирган ҳолда 空白 *kòngbái* тарзида берилади²⁹. Бизнингча, Цин Дзяндунг томонидан лакуна моҳиятини очиб бера оладиган мазкур термин ўринли танланган. Зеро, 空缺 *kòngquē* сўзи “етишмовчилик”, “кемтиклик”ни, 空白 *kòngbái* сўзи эса “бўшлиқ”ни англатади.

Ўзбек тилшунослигида илк бор лакуналар ва уларнинг таксономияси масаласини ўрганган олима Ш.Р.Усманова бу тушунчага қуйидагича таъриф беради: “*Лакуна* (лот. *lacuna* “бўшлиқ, чуқурлик, чўнқир жой”; франц. *lacune* “бўшлиқ, бўш жой”) – бирон халқнинг маиший, маданий, ижтимоий ва тарихий ҳаёти учун характерли ва бошқа халқ учун бегона бўлган, бошқа тилда аниқ муқобили бўлмаган сўз ва сўз бирикмаларидир”³⁰.

Лакунарлик ҳодисаси, айниқса, икки тилли ва кўп тилли луғатларни тузишда кўп кузатилади. Ўз муқобилига эга бўлмаган

²⁷ 戴莉. 跨文化交际中英汉词汇的偶合和空缺现象. 牡丹江大学学报, 2008, 17 (2).

²⁸ 张宁. 跨文化交际中的语言空缺现象. 学海, 2008, (1).

²⁹ 秦建栋. 英汉词汇空缺现象刍议. 苏州铁道师院学报, 1999, 16 (2), 62-71. 第 62 页.

³⁰ Usmanova Sh. Lingvokulturologiya (darslik). – Toshkent: TDO' TAU, 2019. – B. 129.

сўз иккинчи тилда изоҳ бериш ёки мазмунан мос бирикмаларини келтириш йўли билан берилади.

И.А.Стернин, З.Д.Попова, М.А.Стерниналар лексик бирликлар (сўзлар, турғун бирикмалар, фразеологик бирликлар) лакунарлигининг “сигнали” сифатида қуйидагиларни келтиришади:

– таржима луғатида сўзнинг тўла очиб кўрсатилган изоҳли дефиницияси;

– таржима луғатида сўзнинг маъноларини санаб ўтиш ёки синонимик қаторлари орқали тушунтириш.

Тиллар орасидаги лакуналар бевосита маданиятлараро мулоқот жараёнида ҳам аниқланади. Бунда у ёки бу тил соҳиби ўрганаётган тилида бирор-бир ҳодиса учун ўзининг она тилида бир сўз билан ифодаланадиган лексеманинг мавжуд эмаслиги вазиятига дуч келади³¹.

Юқоридаги фикрни қуйидаги мисоллар билан далиллаш мумкин:

你从现在就稳居在大山里。

Nǐ cóng xiànzài jiù wěnjū zài dàshān li.

Сен катта тоғларда сукунатда яшашинг керак (Ж.Зиямухамедов, З.Шамсиева. Илон одам, 16).

Мазкур жумладаги *稳居 wěnjū* сўзи “бир жойда муқим истикомат қилмоқ” маъносини англатади. Ўзбек концептосферасида бундай тушунча мавжуд бўлса-да, унинг муайян сўз билан ифодаланадиган атов шакли йўқ. Бизнингча, бу жумлани “Сен эндиликда тоғларни ўзингга муқим макон айла” дея таржима қилиш ўринли бўлади.

Кўринадики, тиллар орасидаги лакуналарни аниқлашнинг асосий методи – бу турли тиллар тизимида семантик жиҳатдан яқин бўлган лексик бирликларни қиёслаш усулидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, икки тилни чоғиштириш билангина лакунарлик ҳодисасини тўлиқ ўрганиб, у ёки бу тилнинг луғат бойлиги борасида тўғри хулосага келиб бўлмайди. Чунки муайян тушунчага ном бериш тилга таъсир этадиган лингвистик ва экстралингвистик омилларга боғлиқ бўлади. Мисол тариқа-

³¹ Стернин И.А., Попова З.Д., Стернина М.А. Лакуны и концепты. // Лакуны в языке и речи (выпуск 1). – Благовещенск: БГПУ, 2003. – С. 211–212.

сида хитой тили фонида ўзбекча лакунарликни намоён қилувчи *сенсирамоқ*, *сизламоқ*, сўзларини олсак, ўзбек тилининг сўз ясалиши қоидаларига кўра “сен” олмошига *-сира*, *-моқ* кўшимчаларини кўшиш билан *сенсирамоқ* сўзи ясалган. Хитой тили ихоталанганлик хусусиятига эга бўлганлиги боис қайд этилган сўзларни бундай усулда ясаб бўлмайди. Кўринадики, *сенсирамоқ* феъли хитой тилида лакунарликни юзага келтиради. Ушбу сўзни хитой тилида фақат 叫“你” *jiào “nǐ”*, 称“你” *chēng “nǐ”* – “сен” деб *атамоқ* тарзида бериш мумкин.

Маълумки, астрология илми Хитойда қадимдан тараққий топган соҳалардан бири ҳисобланади. Хусусан, башоратда вақт омилининг аҳамияти катта бўлиб, тилда темпоративларнинг яратилишига бўлган эҳтиёж ҳам юқори бўлган. Хитой астрология маданиятида куннинг ҳар бир икки соатлик вақт бўлаги лексик жиҳатдан алоҳида-алоҳида номланади. Бу каби экстралингвистик омиллар натижасида хитой тилида турлича номлаш зарурати бўлган “соат” тушунчасининг ўзбек тилидаги лакунарлиги хусусида қуйидаги мисолни келтириш мумкин.

大约过了一个时辰，才稍微稳定了一点。

Dàoyuē guòle yīgè shíchén, cái shāowéi wěndìngle yīdiǎn.

Орадан тахминан бир соатча ўтиб, зилзила аста-секин тинчий бошлади (Ж.Зиямуҳамедов, З.Шамсиева. Зилзила, 9).

Мазкур жумлада 时辰 *shíchén* сўзи “соат” тарзида таржима қилинган.

Ўзбек тилидаги *soat* сўзи хитой тилида 3 хил кўринишда ифодаланади:

1) 点钟 *diǎnzhōng* – соат (аниқ вақтни ифодалайди) (*инг.т.* o'clock);

2) 小时 *xiǎoshí*, 钟头 *zhōngtóu*, 时辰 *shíchén* – соат (вақт давомийлигини кўрсатади) (*инг.т.* hour);

3) 钟 *zhōng*, 表 *biǎo* – соат (буюм сифатида соат, масалан: 闹钟 *nàozhōng* будильник, 手表 *shǒubiǎo* қўл соати, 怀表 *huáibiǎo* чўнтак соати, 挂钟 *guàzhōng* осма соат) (*инг.т.* watch) каби.

Хитой тилидаги мазкур сўзлар жумла ичида изоҳлаб берилмаса, бошқа тил соҳиби улар ўртасидаги фарқни англай олмай-

ди ва оқибатда уларни аралаштириб қўллай бошлайди. Бу ўринда хитой ва инглиз тиллари чоғиштирилганда *coam* концептида лакунарлик ходисаси воқеланмайди. Ўзбек тили билан чоғиштирилганда эса, аксинча, лакунарлик кузатилади.

1) 现在五点钟了。 *Xiànzài wǔ diǎnzhōng le.*

Ҳозир *coam* беш бўлди. (*Now it is 5 o'clock.*)

2) 他等了两个小时。 *Tā děng le nǐ liǎng ge xiǎoshí.*

У сени икки *coam* кутди. (*He has been waiting for you for 2 hours.*)

3) 他新买的手表让孩子打坏了。 *Tā xīn mǎide shǒubiǎo ràng hái zi dǎhuài le.*

Унинг янги *сотиб олган қўл соат*ини болакай синдириб қўйди. (*His new bought watch was broken by a child.*)

Яна мисол учун, “说着便拿出东西喂它们吃 *shuōzhe biàn nǎchū dōngxī wèi tāmen chī* – ...деб илонларга ейиш учун овқат олибди” (Ж.Зиямухамедов, З.Шамсиева. Илон одам, 15) парчасидаги *喂 wèi* сўзи “жониворларга ем бермоқ” маъносини англатади. Ўзбек тили концептосферасида мавжуд бўлган мазкур тушунча учун муайян бир лексик бирлик белгиланмаган.

Ёки:

熬夜 *áoyè* – иш билан машғул бўлиб тунни бедор ўтказмоқ;

擦澡 *cāzǎo* – нам сочиқ билан артинмоқ;

胳膊 *gēbo* – қўлнинг елкадан панжагача бўлган қисми;

嫂子 *sǎozi* – аканинг хотини (келинойи);

叔母 *shūmǔ* – кичик амакининг хотини (келинойи) ва ҳ.к.

Мазкур ҳодиса ва предметлар ўзбек концептосферасида мавжуд бўлса-да, ўзбек тилида махсус атовларга эга эмас. Аксинча, хитой халқи турмуш тарзи, тафаккурида учрайдиган, лекин бир сўз билан лексиклаштирилмаган тушунчаларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

лакуна – 词汇空白 *cíhuì kòngbái* (лексик бўшлиқ);

овсин – 丈夫的兄弟的妻子 *zhàngfū de xiōngdì de qīzi* (эрининг акаси ёки укасининг хотини) (мурожаатда 姐姐 *jiějie* (опа), 弟妹 *dìmèi* (сингил));

119454

• TDIU
kutubxonasi

газанда – 刺痛动物的通用名称 *cì tòng dòngwù de tōngyòng míngchēng* (чақадиган жониворларнинг умумий номи);

хаккаламоқ – 单腿跳跳 *dān tuǐ tiào tiào* (бир оёқда сакраб юрмоқ).

Уқоридаги сўзлар икки тилли луғатларда муайян муқобилини топмаганлиги сабабли уларни тасвирий усулда таржима қилиш мумкин.

Тилшуносликда лакуна тушунчаси борасидаги таҳлиллар қуйидагиларга асос бўлади:

1) лакуна бу лотин тилида “бўшлиқ” деган маънони англатиб, тилшуносликка термин сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида француз тилидан кириб келган;

2) лакуна бирон бир халқнинг концептлари мажмуида тушунча сифатида мавжуд бўлган, бироқ лексик шаклда ўз ифодасини топмаган ҳолатларда воқеланади;

3) лакуна икки тил чоғиштирмасида кузатилиб, бир тилдаги муайян сўз иккинчи тилда эркин сўз бирикмаси шаклида кўпинча изоҳ кўринишида ўз аксини топади;

4) лакунарликнинг белгилари сифатида таржима луғатларида бир сўзнинг изоҳ шаклидаги дефиницияси берилиши, сўзнинг маъноларини санаб ўтиш ва синонимик қаторлар ёрдамида тушунтириш кабилар намоён бўлади.

1.2. Лакуналарнинг типологик таснифи

Жаҳон тилшунослигида лакуналарни таснифлаш масаласида турли қарашлар мавжуд. Хусусан, Ю.С.Степанов лакуналарни мутлақ (абсолют) ва нисбий лакуналарга ажратади. Унинг фикрича, мутлақ лакуна таржимада муайян бир сўзга сўз шаклида эквивалент топилмаган ҳолда юзага келади. Миллий тилда мавжуд бўлган сўз ёки сўз шакли жуда кам қўлланилганда нисбий лакуналар пайдо бўлади³².

Ўзбек тилидаги *тақим, савил, чертмоқ* каби сўзлар хитой тилида муқобили бўлмаган мутлақ лакуналарга мисол бўла олади. Хитой тилида “кутилмаганда, тўсатдан, бирдан” маъно-

³² Степанов Ю.С. Французская стилистика (в сравнении с русской). – М.: Едиториал УРСС, 2003. – С. 120-121.

ларида кенг қўлланиладиган 居然 *jūrán* равишини нисбий лакунага мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур сўзни қўллаш хитой тилидаги гап қурилишида шу маъноларни бериш учун лозим бўлса-да, ўзбек тилида равиш сифатида таржима қилиниш ҳолатларини кам учратамиз. Бу сўз таржимада кўпинча *экан* кўмакчи феъли билан берилади.

使我们惊奇的是，房子居然是空。 *Shǐ wǒmen jīngqí de shì, fángzi jūrán shì kōng.* – Уйнинг бўм-бўш эканлиги бизни ажаблантирди.

Н.Л.Глазачёв хитой ва рус тилларидаги лакуналарни аниқлашга бағишланган ишларида тиллараро лакуналарнинг лексик, этнографик ва интермаданий кўринишларини ажратиб кўрсатади³³.

Лакуналарнинг бир қадар батафсил таснифини Г.В.Бикова, И.А.Стернин, З.Д.Попова ва М.А.Стернина³⁴ларнинг ишларида кузатамиз. Мазкур олимларнинг таснифига кўра лакуналарнинг бир нечта типлари фарқланади:

1. Мавҳумлилик даражасига кўра: предметли ва мавҳум лакуналар.

1.1. Предметли лакуналар моддий, жисмоний, ҳиссий жиҳатдан қабул қилинадиган предмет ёки ҳодисанинг мавжуд бўлмаслигини ифодалайди. Масалан, ўзбек лингвомаданиятидаги *гардан*, *қуда* каби сўзлар хитой тилида мавжуд эмас.

1.2. Мавҳум лакуналар эса мавҳум тушунча, тафаккур категорияси, ментофактнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Ўзбек тилидаги мавҳум тушунча ҳисобланмиш *андиша* сўзининг хитой тилида айни муқобил вариантини топиб бўлмайди.

2. Парадигматик хусусиятига кўра: гиперонимик ва гипонимик лакуналар (Б.Харитоновна таклиф этган атамалар³⁵). Мазкур атамаларни И.А.Стернин ўз ишларида туркум ва тур

³³ Глазачев Н.Л. Ещё раз о типологии межъязыковых лакун (на материале китайского и русского языков). //Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов/ - Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 29.

³⁴ Стернин И.А., Попова З.Д., Стернина М.А. Лакуна и концепты. //Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов/ - Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 212.

³⁵ Бикова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003. – С. 83.

(родовые и видовые) лакуналари³⁶, В.Л.Муравьев вектор лакуналар³⁷ тарзида берадилар.

2.1. Гиперонимик лакуналар предметлар синфи учун умумий номланишнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Инглиз тилида *бува*, *буви* сўзларининг умумий номланиши *grandparents* сўзи билан ифодаланиб, ўзбек ва хитой тилларида бундай жамловчи тушунчани учратмаймиз.

2.2. Гипонимик лакуналар эса алоҳида турли предмет ёки ҳодисаларнинг муайян номланиши мавжуд эмаслигини ифодалайди. Масалан, “ранг” семантик майдонидаги колоризмлар орасида *кўк ранг* ва *мовий ранг*ни хитой тилида лексик жиҳатдан фарқлашда чалкашликларни кузатиш мумкин. “Кўк ранг” маъносини ифодалашда 蓝色 *lánsè*, 青色 *qīngsè* сўзлари ишлатилиши мумкин, *ҳаво ранг*га ҳам муқобил сифатида 蓝色 *lánsè*, 青色 *qīngsè* ва 淡藍的 *dànlán*, 蔚藍[色] *wèilàn[sè]*, 天藍色 *tiānlánsè* каби ясама сўзлар берилади. Луғатларда қайд этилган мисоллар (现代汉语词典 (第 5 版) 810, 1107)га мувофиқ, *кўк ранг* колоризмининг аниқ муқобили мавжуд эмас. Шунга кўра гипонимик лакуна юзага келган.

3. Тизимли равишда тилга оидлигига кўра: тиллараро лакуналар ва тил ичида воқеланувчи лакуналар.

Тиллараро лакуналар турли тилларни чоғиштиришда юзага келиб, агар бир тилда бошқа тилдаги бирликка эквивалент топилмаса, бунда лакуна мавжудлигини кузатиш мумкин бўлади. Хитойликлар устозининг рафиқасига нисбатан 师母 *shīmǔ* деб мурожаат қиладилар. Ўзбек тилида бундай мурожаат шаклини учратмаймиз. Ёки айнан шу 师母 *shīmǔ* сўзини тил ичида воқеланувчи лакуналарга ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бинобарин, хитой тилида аёл устознинг турмуш ўртоғига нисбатан ишлатиладиган мурожаат сўзи мавжуд эмаслиги аниқланди.

³⁶ Стернин И.А., Попова З.Д., Стернина М.А. Лакуна и концепты. //Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов/ - Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 207.

³⁷ Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003. – С. 83.

4. Сўз туркумларига мансублигига кўра:

И.А.Стернин, З.Д.Попова, М.А.Стерниналар ўз ишларида лакуналарнинг “сўз туркумига оид лакуналар” (частеречные лакуны) турини ҳам ажратиб кўрсатадилар³⁸.

4.1. От сўз туркумига оид лакуналар. Лакунарлик ҳодисаси айнан турли семантик майдонларга кирувчи от сўз туркумига оид сўз, тушунча ва атамаларни тиллар орасида чоғиштириш жараёнида кўп кузатилади. От сўз туркумининг аксарият қисмини маиший лексика ташкил қилади. Маиший лексиканинг катта гуруҳи кийим-кечак номларидан таркиб топади. Шу боис ҳар икки тилда кийим-кечак номларини ифодалаган сўзларни таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқдир.

Тарихий анъанавий кийим номлари (ТАН) – бу ўтмишда халқнинг кийиниш эҳтиёжларидан келиб чиқиб пайдо бўлган, ҳозирга қадар фойдаланиб келинадиган, яъни ўз номинатив бирлиги ва функциясини йўқотмаган, халқ лексик лугатида барқарор ўрин эгаллаган номлардир. Бундай кийим турлари, қандай номланишидан қатъий назар бошқа миллат ҳаётида ҳам кенг қўлланилиши мумкин.

Тарихий миллий кийим номлари (ТМН) фақатгина битта миллат тарихий кийиниш маданиятига хос бўлиб, бундай лексика таржимашуносликда, реалиялар, миллий хос сўзлар ҳам деб номланади.

Замонавий кийим номлари (ЗН) эса турли тарихий, ижтимоий, иктисодий жараёнлар натижасида бошқа бир халқ лексикасидан (ўзбек тилига асосан рус тилидан, рус тилига эса Европа тиллари орқали) нафақат янгича услубдаги кийим-кечак тури кириб келади, балки номларнинг ҳам транслитерация йўли билан ўгирилиши натижасида лугат таркибида ҳам турғун ўрин эгаллайди. Глобаллашув даврида дунёнинг турли миллатлари тилларига ўзлашган бундай номлар кўп жиҳатдан ўхшаш бўлганлиги учун, уларни идентификациялаш осон ва шу туфайли тиллараро лакуналар камдан-кам учрайди.

³⁸ Стернин И.А., Попова З.Д., Стернина М.А. Лакуны и концепты.// Лакуны в языке и речи (выпуск 1). – Благовещенск: БГПУ, 2003. – С. 208.

**Ўзбек ва хитой тилларида кийим-кечак номларини
ифодаловчи лақналар**

Ўзбек тили		Хитой тили	Ўзбек тили		Хитой тили
ТАН	белбоғ	腰帶	ТАН	нимча	坎肩
ЗН	блузка	女衫	ТАН	пайпок	袜子
ЗН	ботинка	皮鞋	ЗН	пальто	大衣
ЗН	галстук	領帶	ТМН	пешмат	∅
ТМН	дўппи	花帽	ЗН	пиджак	∅
ТМН	дурра	∅	ЗН	пижама	睡衣
ТАН	ёмғирпўш	雨衣	ЗН	плаш	雨衣 ёки 风衣
ТАН	ёпинчик	披肩	ТАН	пўстин	皮大衣
ЗН	жакет	夹克	ТАН	рўмол	头巾
ЗН	жемпер	毛衣	ЗН	сарафан	萨腊范
ЗН	жилетка	坎肩	ЗН	свитер	毛衣
ТАН	иштон	∅	ЗН	тапочка	软底鞋
ТАН	калиш	雨鞋	ТМН	тақя	∅
ТАН	камар	腰帶	ТАН	телпак	皮帽
ТМН	камзул	坎肩	ТМН	тўн	∅
ЗН	кепка	鸭舌帽	ЗН	туфли	皮鞋
ЗН	колготка	连裤袜	ЗН	фартук	围裙
ЗН	комбинезон	连体服	ЗН	футболка	T恤衫
ЗН	костюм	西装	ЗН	халат	家居服
ЗН	кофта	女衫	ТМН	чакмон	∅
ТАН	кўйлак	衬衫 ёки 连衣裙	ТМН	чопон	∅
ЗН	куртка	羽绒服	ТАН	шалвар	灯笼裤
ТАН	калпок	帽子	ЗН	шапка	帽子
ТМН	қийик	∅	ЗН	шарф	围巾
ТАН	қўлқоп	手套	ЗН	шим	裤子
ТАН	қулоқчин	护耳帽	ЗН	шляпа	礼帽
ТМН	лозим	∅	ЗН	шуба	皮大衣
ТМН	локки	∅	ТАН	этик	靴子
ЗН	майка	背心	ЗН	юбка	裙子
ТМН	маҳси	∅	ТМН	яктак	∅

Ушбу жадвалда “кийим-кечак” – “服装” *fúzhuāng* гиперонимли семантик майдонда, кўрсатиб ўтганимиздек, ўзбек тилида 60 нафар гипонимлар келтирилган. Улардан 17 та ТАН, 13 та ТМН ва 30 та ЗН саралаб олинган.

Ўзбек тилида кийим номларига хитой тилида муқобил сўзлар келтирилган. Бир муайян номинатив бирликка эга бўлмаган, изоҳталаб номлар “Ø” – шартли равишда лакуна белгиси билан ифодаланган. Мисол учун, ўзбек тилидаги *маҳси* сўзи фақат ўзбек миллий кийиниш маданиятига хос реалия-сўз бўлиб, мазкур тушунчани хитой тилида “乌兹别克民族传统软底长筒鞋子” *Wūzībiékè mínzú chuántǒng ruǎn dǐ zhǎng tǒng xiézi* (юмшок тагчармли, узун қўнжли ўзбек миллий оёқ кийими) каби изоҳ шаклида бериш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган 13 та ТМНдан 1 таси хитой тилида бевосита ўз муқобилига эга. Масалан, ўзбек миллий бош кийими бўлган дўппи, Хитой Халқ Республикаси Синжянг мухтор ўлкасида истиқомат қилувчи уйгур миллатига мансуб кишилар кийиниш маданиятига ҳам тегишли. Шу боис дўппи хитойликлар учун яхши таниш бўлган бош кийими саналади. Бинобарин, хитой тилида дўппи 花帽 *huāmào* (сўзма-сўз: гул нақшли бош кийим) деб номланади.

Шунингдек, хитой тили луғатларида сўз ёки сўз бирикмаси шаклида ўз ифодасини топмаган таркиби уч иероглифдан ортиқ бўлган сўзлар ҳам жадвалга киритилмаган. Масалан, замонавий кийим номларидан бўлган *пиджак* сўзи хитой тилида 西装上衣 *xīzhuāng shàngyī*, яъни сўзма-сўз “костюмнинг устки қисми”ни англатади.

Маълумотлар таҳлили натижасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Кийим-кечак номлари семантик майдонида ўзбек тили лакунар бирликлари жами 13 тани ташкил қилиб, улардан 1 та ТАН, 11 та ТМН ва 1 та ЗН лакунар бирликлари намоён бўлди. Мазкур семантик майдонда ўзбек тили фонидида хитойча лакунарлик тарихий анъанавий кийим номларида 6,25%, тарихий миллий кийим номларида 84,6%, замонавий кийим номларида 3,3%, жами 21,6%ни ташкил қилади. Агар ушбу семантик

майдонда ўзбек ва хитой тилларида лакунарлик даражасининг тарихий миллий кийим номлари ҳисобига юқорилиги эътиборга олиниб, бундай реалия-сўзлар таҳлил доирасидан чиқариб ташланса, 47 та кийим-кечак номида лакунарлик 4,2%ни ташкил этади.

4.2. Фейл туркумига оид лакуналар. Маълумки, матн ёки нутқнинг курилишида феъл туркуми муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ўзбек тилида таом тайёрлаш усулларида бирини англатувчи *қовурмоқ* феълнинг хитой тилида бир нечта лакунар бирликлар ҳосил қилганини кузатиш мумкин. Маълумки, хитой ошхонасида таом тайёрлашнинг 70 дан зиёд усули мавжуд. Жумладан, *қовурмоқ* тушунчасининг ҳам масалликнинг тури, ёғ миқдори, қовуриш муддати каби омилларга кўра бир нечта номинатив шаклини учратиш мумкин. Улардан 炒 *chǎo*, 煎 *jiān*, 炸 *zhá*, 烧 *shāo*, 煸 *biān* сингари сўзлар ўзбек тилига *қовурмоқ* гипероними воситасида умумлаштириб таржима қилиниши кузатилди.

炒 *chǎo* – “қовурмоқ” маъносини берувчи мазкур сўзга замонавий хитой изоҳли лугатида шундай таъриф келтирилган: “Ушбу усулда озиқ-овқат маҳсулоти ёки бошқа нарсалар оз ёғ солинган това ёки қозонда пишгунча ёки қуригунча ағдариб қовурилади” (现代汉语词典, 第5版, 162).

锅中留少量油, 放下姜末、虾皮、榨菜末稍炒。(邵建华、刘文华. 正宗川菜, 47)

Guō zhōng liú shǎoliàng yóu, fāngxià jiāngmò, xiāpí, zhàcài mò shāo chǎo.

Товада оз миқдорда ёғ қолдирилади ва тўғралган занжабил, қуритилган майда қисқичбақа, тўғралган сичуан хантали солиб озгина қовурилади.

Қовурмоқ тушунчасини ифодаловчи 煎 *jiān* сўзи ҳам ўзбек тили фонида лакунар бирлик сифатида намоён бўлиб, изоҳли лугатда қуйидагича шарҳ берилади: “Мазкур усулга кўра, това ёки қозонга оз миқдорда ёғ солиниб, у қизигач, маҳсулот қизартириб қовуриб олинади” (现代汉语词典, 第5版, 664).

放下之前煎黄的明虾，加入黄酒、盐、糖、少量水焖烧。
(邵建华、刘文华。正宗川菜，45)

Fàngxià zhīqián jiān huáng de míng xiā, jiārù huángjiǔ, yán, táng, shǎoliàng shuǐ mèn shāo.

Сузишдан аввал қизартириб қовурилган қисқичбақаларга гуруч виноси, туз, шакар ва оз миқдорда сув қўшиб димланади.

烧 *shāo* ҳам қовуриш усулларидан бири бўлиб, луғатда келтирилган изоҳга кўра, бу усулнинг икки тури мавжуд: 1) маҳсулот аввал кўп ёғда қовуриб олинади, сўнгра озроқ ёғда димланади. (烧茄子 *shāo qiézi* қовурилган баклажон), 2) маҳсулот сувда пишириб олинади, сўнг кўп ёғда қовурилади (烧羊肉 *shāo yángrou* қовурилган қўй гўшти) (现代汉语词典 (第5版), 1199).

她们手忙脚乱，烧鸡调味，殷勤劝进，还不住的和我们说笑。(冰心。关于女人，67)

Tāmen shǒumáng jiǎoluàn, shāo jī tiáowèi, yīnqín quànjìn, hái bù zhù de hé wǒmen shuōxiào.

Улар шоша-тиша қовурилган товуққа зираворлар сепиб, астойдил овқатга таклиф қилишар, яна тинмай биз билан сўзлашиб, қулишар эдилар.

Ушбу феъл ўзи билан қайси объект сўзи билан бирикиб келаётганига қараб, қайнаб чиқмоқ ёки қизимоқ тарзида таржима қилинади. Масалан,

锅中加油 150cc, 烧热后酱豆腐煎至结皮取出。(邵建华、刘文华。正宗川菜，61)

Guō zhōng jiā yóu 150cc, shāo rè hòu jiàng dòufu jiān zhì jié pí qúchū.

Товага 150 грамм ёғ солинади, ёғ қизигач, соя пишлоғи нустлоқ ҳосил қилгунча қовурилади.

冬天的夜里，烧热了砖炕，点起一盏煤油灯，盘着两腿坐在炕桌边上，读书习算。(冰心。关于女人，29)

Dōngtiān de yèlǐ, shāo rèle zhuānkàng, diǎn qǐ yī zhǎn méiyóu dēng, pán zhāo liǎng tuǐ zuò zài kàngzhuō biān shàng, dúshū xí suàn.

Қишинг бир туни гиштин печни қиздириб, бир мой лампани ёқиб, стол атрофида чордона қуриб китоб ўқиб ўтирарди.

水烧开，放下面条煮开。(邵建华、刘文华。正宗川菜, 57)
Shuǐ shāo kāi, fàngxià miàntiáo zhǔ kāi.

Сув қайнаб чиққач, лагмон солиб пиширилади.

Юқоридаги учта мисолда 烧 *shāo* феъли билан 油 *yóu* ёғ, 砖炕 *zhuānkàng* гиштин печ, 水 *shuǐ* сув каби сўзлар билан бирикиб, мос равишда қизимоқ, қиздирмоқ, қайнаб чиқмоқ дея таржима қилинган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўзбек тилидаги қовурмоқ тушунчасини ифодаловчи лақунар бирликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш хитой ошхонаси таомномасида мавжуд таомларнинг қай усулда тайёрланганлигини билиш учун йўриқ сифатида хизмат қилади. “Хитойча-ўзбекча туризм атамалари луғати”да бир неча хилдаги қовуриш усуллари ҳам таржиманда “қовурилган” сўзи билан берилган. Масалан: 炒面 *chǎomiàn* қовурилган угра, 炸酱面 *zhá jiàng miàn* қовурилган гўшт, қайлали угра, 金蒜煎牛籽粒 *jīn suàn jiān niú zǐ lì* оз ёгда саримсоқ пиёзи билан қовурилган мол гўшти, 红烧鸡 *hóngshāo jī* жигарранг қайлада димланган (қовуриб димланган) жўжа, 干煸牛肉丝 *gān biān niúròu sī* чили қайласида сабзи билан қовурилган мол гўшти (Хитойча-ўзбекча туризм атамалари луғати, 52, 61, 64, 60). Ўзбек тили концептосферасида бу каби тушунчалар мавжуд бўлса-да, уларга айнан мос келувчи сўзларнинг мавжуд эмаслиги тилда лақуналарнинг юзага келишига сабаб бўлади.

4.3. Равиш сўз туркумига оид лақуналар. Хитой тили грамматикасига бағишланган айрим ишларда равишларнинг маъно жиҳатдан беш тури³⁹, айрим ишларда эса етти тури⁴⁰ кўрсатилган. Лю Юэхуа ва бошқа ҳаммуаллифларнинг “Хитой тили амалий грамматикаси” асарида хитой тилидаги кўп қўлла-

³⁹ 郑贵友。现代汉语语法（讲义）。北京语言大学。第28页。
<https://wenku.baidu.com/view/5de11813ba0d4a7302763af7.html>

⁴⁰ 刘月华、潘文娉、故粹。实用现代汉语语法（增订本）。-北京：商务印书馆，2004；朱清明。实用语法分析（下册）。-北京：清华大学出版社，2005；Hashimova S., Nosirova S. Xitoy tili grammatikasi. – Tashkent: Jahon Print, 2012.

ниладиган равиш сўзлар хитой тилига оид бошқа асарларга нисбатан анча кўп берилган. Масалан, пайт равишлари 33 та (Джу Цингминг асарида эса (Дж.Ц.) 32 та), соҳа равишлари 21 та (Дж.Ц 10 та), такрорни ифодаловчи равишлар 12 та (Дж.Ц 8 та), даража равишлари 33 та (Дж.Ц 21 та), модалликни ифодаловчи равишлар 24 та, (Дж.Ц 8 та), тасдиқ ва инкор равишлари 12 та (Дж.Ц 7 та), ҳолат равишлари 12 та⁴¹ (Дж.Ц 12 та⁴²).

Мазкур монография иловасида хитой тилидаги равишларнинг ўзбек тилида лакунарлиги даражасини кўрсатувчи жадваллар келтирилган. Ушбу жадвалларда муайян бир номинатив бирликка эга бўлмаган, таржимада ўз аксини топиши имконсиз бўлган (асосан жумла контекстига кўра) равиш сўзлар шартли “Ø” лакуна белгиси билан ифодаланган ҳамда мана шу лакунар бирликларнинг қай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида қавс ичида изоҳ сифатида берилган. Адвербал лакунарлик аниқланган ҳолларда эса бунга далилий мисолларни Конфуцийнинг “Сухбат ва мулоҳазалар” асарининг замонавий хитой тилидаги табдили орқали ўзбек тилига ўгирилган жумлаларда кўришимиз мумкин.

Хитой тилидаги пайт равишларининг ўзбек тилида лакунарликни намоён қилиши (Илова, 1.2-жадвал)

已经做过的事不用解释了，已经完成的事不在规劝了，已经过去的事不要责备了。(《论语》白话译, 16)

Yǐjīng zuòguò de shì bù yòng jiěshìle, yǐjīng wánchéng de shì bù zài guīquànle, yǐjīng guòqù de shì bù yào zébeile.

Қилинган ишни қайта изоҳлама. Бажариб бўлинган ишни қайтаришига уринма. Ўтиб кетган ишнинг тагини сурштириб ўтирма (Конфуций. Сухбат ва мулоҳазалар, 36).

Мазкур жумла таржимасида 已经 *yǐjīng* равиши учун ҳеч қандай муқобил вариант келтирилмаган, яъни унда лакунарлик кузатилади. Ушбу равиш сўзни “аллақачон” тарзида таржима қилиш мумкин бўлса-да, ўзбек тилининг услубий меъёрларидан

⁴¹ 刘月华、潘文娱、故粹。实用现代汉语语法（增订本）。-北京：商务印书馆，2004. 第212页。

⁴² 朱清明。实用语法分析（下册）。-北京：清华大学出版社，2005. 第23-65页。

келиб чиққан ҳолда, бу сўзни ишлатмаслик мақсадга мувофиқ бўлади. 已经 *yǐjīng* равиш сўзининг компенсацияси сифатида феъл сўз шакли ясовчи “-ган” кўшимчаси намоён бўлади.

他虽然曾被关在监狱之中，但不是他的罪过。(《论语》白话译, 23)

Tā suīrán céng bèi guān zài jiānyù zhī zhōng, dàn bùshì tā de zuìguo.

Гарчи у қамоқда ўтириб чиққан бўлса-да, айбдор эмас эди (Конфуций. Суҳбат ва мулоҳазалар, 45).

Мазкур жумладаги 曾 *céng* равиши “қачонлардир” маъносига эга, лекин уни худди 已经 *yǐjīng* равиши сингари тўғридан-тўғри таржима қилиб бўлмайди. Бу ҳолда ўзбек тилида адвербал лакунарлик юзага келади, яъни равишни равиш билан ёки умуман бошқа сўз билан бериб бўлмайди.

孔子在这一天为吊死哭泣过，那他在这一天里就不唱歌。(《论语》白话译, 39)

Kǒngzǐ zài zhè yītiān wèi diào sǐ kūqìguò, nà tā zài zhè yītiān lǐ jiù bù chànggē.

Устоз марҳумни хотирлаб кўз ёш тўккан куни қўшиқ қўйламас эди (Конфуций. Суҳбат ва мулоҳазалар, 66).

Хорижий тилларга таржима қилиш жараёнида адвербал лакунани юзага келтирувчи хитой тилидаги сўзлардан бири 就 *jiù* равишидир. Хитой тилини ўрганувчилар учун мазкур равишни тушуниш ва уни тўғри қўллаш билиш қийин. Чунки 就 *jiù* равишини таржимада ҳеч қандай муқобил сўз билан бериб бўлмайди. Юқорида келтирилган жумла таржимасида ҳам 就 *jiù* равиши тушириб қолдирилган ва лакунарлик юзага келган.

Хитой тилидаги модалликни ифодаловчи равишларнинг ўзбек тилида лакунарликни юзага чиқариши (Илова. 146, 1.6-жадвал)

有人来她家讨一点醋，他却向邻居讨了出来转给那人。(《论语》白话译, 29)

Yǒurén lái tā jiā tǎo yīdiǎn cù, tā què xiàng línjū tǎole chūlái zhuǎn gěi nà rén.

Ундан кимдир тиланиб сирка сўраганида, у (ўзида йўқлигини айтишдан уялиб) сиркани кўшинисидан сўраб олиб берган (Конфуций. Сухбат ва мулоҳазалар, 53).

Модалликни ифодаловчи равишлар турига мансуб 却 *què* равиши “лекин” сўзи маъносидаги зидлов оҳангига эга бўлса-да, ушбу равиш аксарият ўринларда ўзбек тилида ўз вербал ифодасини топмайди. 却 *què* равиши агар жумлада 但是 *dànshì*, 可是 *kěshì* сингари зидлов боғловчилари билан бирга қўлланилса, бу ҳолда таржимада *лекин*, *аммо*, *бироқ* сўзларини бериш мумкин бўлади. Мисол учун,

可是他们却以仁人自居而毫不疑惑。(《论语》白话译, 80)

Kěshì tāmen què yǐrén rén zìjū ér háo bù yíhuò.

Аммо бундайлар ўзларини ҳеч шак-шубҳасиз инсонпарвар деб даъво қиладилар (Конфуций. Сухбат ва мулоҳазалар, 116).

你居然不认识这个人! (朱清明. 实用语法分析 (下册), 49)

Nǐ jūrán bù rènshí zhège rén!

Сен бу кишини танимас экансан-да!

Хитой тилини ўрганишда ўзбек ўқувчиларига мушкуллик туғдирувчи мураккаб равиш турларидан бири 居然 *jūrán* равишидир. Юқоридаги жумла таржимасида келтирилганидек, кутилмаганда вазиятни англаб ҳайратланиш ҳолатида қўлланиладиган мазкур сўзни ўзбек тилига *экан* тўлиқсиз феъли билан таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

老百姓简直找不出合适的词句来赞扬他。(《论语》白话译, 46)

Lǎobǎixìng jiǎnzhí zhǎo bù chū héshì de cǐjù lái zànyáng tā.

Халқ уни мадҳ этишига лойиқ сўз топа олмаган (Конфуций. Сухбат ва мулоҳазалар, 74).

Мазкур жумлада 简直 *jiǎnzhí* (дарҳақиқат) равиши таржимада берилмай, тушириб қолдирилган. Таржимада жумлага мазмун жиҳатдан ҳеч қандай путур етмаган бўлса ҳам, лекин урғу бериш маъноси хиёл сусайган.

16.	越加	янада кўпрок	32.	过于	ўта, хаддан зиёд
0 лакуна					

1.6-жадвал

Хитой ва ўзбек тилларида модалликни ифодаловчи равишларда лакунарлик

№	Равиш сўзи	Ўзбек тилида муқобили	№	Равиш сўзи	Ўзбек тилида муқобили
1.	可	∅ (таъкидлаш маъносида қўлланилади)	13.	倒	∅ (зидлов маъносида қўлланилади)
2.	也许	бахтига, хайрият	14.	也许	эхтимол
3.	多少	шарофати билан	15.	大约	тахминан
4.	难道	наҳот	16.	好在	яхшиямки
5.	何尝	∅ (асосан венянда қўлланилиб, жумла мазмуни, қурилишига кўра “қачон шундай бўлди?” тарзида таржима қилиш мумкин. Риторик саволларда ишлатилади.)	17.	居然	∅ (кутилмаганда амалга ошган ҳаракатга нисбатан хайратланишда қўлланилади)
6.	究竟	охир-оқибат	18.	几乎	деярли
7.	到底	барибир	19.	差点儿	сал қолса
8.	偏偏	аксига олиб	20.	果真	ҳақиқатда
9.	索性	яхшиси, маъқули	21.	果然	ҳақиқатда ҳам
10.	简直	дарҳақиқат	22.	明明	аниқ
11.	反正	ҳар ҳолда, барибир	23.	敢情	шак-шубҳасиз
12.	却	∅ (зидлов маъносида қўлланилади)			
Жами 5 та лакуна					

1.7-жадвал

Хитой ва ўзбек тилларида тасдиқ ва инкор равишларида лақуналар

№	Равиш	Ўзбек тилида муқобили	№	Равиш	Ўзбек тилида муқобили
1.	不	йўқ, эмас	7.	必然	муқаррар
2.	没(有)	йўқ, эмас	8.	未	эмас
3.	一定	муқаррар	9.	别	∅ (маслаҳат ёки тақиклаш маъносидаги инкор вазифасини ўтайди)
4.	准	аниқ	10.	莫	∅ (венян ва шеваларда ишлатилиб, маслаҳат ёки таъкиклаш маъносидаги инкор вазифасини ўтайди)
5.	未必	∅ (“ҳар доим ҳам шундай бўлмайди” маъносида таржима қилиш мумкин)	11.	休	∅ (тақиклаш маъносидаги инкор вазифасини ўтайди)
6.	必定	албатта, муқаррар	12.	勿	мумкин эмас
Жами 4 та лақуна					

1.8-жадвал

Хитой ва ўзбек тилларида ҳолат равишларида лақуналар

№	Равиш	Ўзбек тилида муқобили	№	Равиш	Ўзбек тилида муқобили
1.	猛然	бирдан	7.	亲自	шахсан ўзи
2.	依然	илгаригидек	8.	擅自	ўзича, ўзбошимчалик билан
3.	仍然	хануз, аввалгидай	9.	百般	ҳар қанақасига, қандай бўлмасин
4.	逐步	секин-аста, пайдар-пай	10.	毅然	қатъият билан, иккиланмай, тап тортмай
5.	逐渐	секин-аста	11.	互相	ўзаро
6.	渐渐	секин-аста	12.	特地	атайин, махсус
0 лақуна					

МУНДАРИЖА

СЎНУШИ.....	3
КИРИШ.....	5
I БОБ. ЛАКУНАЛАР ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Тилшуносликда лакунарлик ҳодисасининг ўрганили- ши.....	8
1.2. Лакуналарнинг типологик таснифи.....	18
1.3. Тилшироо лексик лакуналарни аниқлаш методлари.....	31
II БОБ. ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛАКУНАЛАР- НИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРИ.....	46
2.1. Қариндошлик терминларида лакуналарнинг юзага чи- киши.....	46
2.2. Соматимларда лакуналарнинг ҳосил бўлиши.....	60
2.3. Паралингвистик воситаларда лакунарликнинг намоён бўлиши.....	72
III БОБ. ЛАКУНАРЛИК ҲОДИСАСИГА ТАРЖИМАШУ- НОСЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЁНДАШИШ.....	80
3.1. Таржимашуносликда “лакуна” терминининг талқини...	80
3.2. Хитойча-ўзбекча таржималарда лексик лакуналарни гулдириш усуллари.....	93
3.3. Хитойча-ўзбекча таржималарда фразеологик лакуна- ларни бартараф этиш йўллари.....	112
ХУЛОСА.....	124
СЎНГСЎЗ.....	127
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	128
ИЛОВА.....	138

ИСМАТУЛЛАЕВА НАРГИЗА РАСУЛЖАНОВНА

**ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
ЛАКУНАЛАРНИНГ ВОКЕЛАНИШИ**

МОНОГРАФИЯ

“Nodirabegim” нашриёти

Нашриёт лицензияси АИ № 313. 24.11.2017 й.

Босишга рухсат этилди: 28.10.2021.

“Times New Roman” гарнитураси. Қоғоз бичими: 60x84 ¹/₁₆

Нашриёт босма табағи 8,75. Адади 100 нусха.

100129, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,

Навоий кўчаси, 30-уй.

ООО “АКТИВ PRINT” босмахонасида чоп этилди.

Тошкент, Чилонзор 25, Лутфий 1А.